



# MILLIY TIKLANISH

5 (14) 2009 йил 4 февраль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

e-mail: [milliy@sarkor.uz](mailto:milliy@sarkor.uz)



## Хунарли эл хор бўлмас

Хар бир халқнинг ўзига хос миллий мероси, урф-одати ва анъаналари мавжуд.

→ 5-бет



## Дурдоналарга бой кошона

Бугун ишга хар қачонгидан кечроқ бордим. Нега дейсизми? Сабаби бор. Сабаб бўлганда ҳам арзирли сабаб. Очиги, мен билан бирга автобусда кетаётган ота-боланинг ўзаро суҳбатидан қаттиқ таъсирландим.

→ 5-бет



## Ўзини оқлаган сиёсат

жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш юзасидан мамлакатимизда зарур ишлар амалга оширилмоқда

→ 7-бет

MT

БУГУНГИ СОНДА:

### ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

2-бет

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши маълум қилади.

### ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

3-бет

Амалдаги қонунларда фракция нуқтаи назарини ифодалашга ҳаракат қиляпмиз

Юртга хизмат қилиш

### МАЪРИФАТ

4-бет

Хавфсизлик ва барқарорликка барчамиз масъулмиз

Танлов

### ЖАРАЁН

5-бет

«Тасанно»

### МАЪНАВИЯТ ВА ТАЪЛИМ

6-бет

Мирзо Улугбекнинг маънавий жасорати

Энди «Равонак»ни Германияда ҳам билишади

Буюк шоир ва мутафаккирга эҳтиром

### ЎЗБЕКISTON ВА ЖАҲОН

7-бет

Қадимги Ҳиндистон маданияти

Дунёдан дараклар

### МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

8-бет

Эзгулик чироғи

Тарбия воситаси

Турфа олам

## МИЛЛИЙ ЎЗЛИК

# Халқимиз руҳини уйғотган қудрат

Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик? Ўша йиллар умуман қандай давр эди? Тақдиримиз, эркимиз, кимларнинг қўлида эди? Каъба деб қаерга сизинар эдик? Хар тонг «Ассалом!..» - деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик? Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди...

Ислом КАРИМОВ

### Минҳожиддин МИРЗО, ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси

#### Ўзликни англаш йўлида кўйилган илк қадам

Китоб – энг улуг мураббий, деб бежиз айтмаганлар. Инсон кўпинча ҳаёт сабоғини китоблардан олади. Китоблар уни фикр қилишга, зикр қилишга, шукр қилишга-да ўргатади. Юртбошимизнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» китобидаги юқорида қайд этилган сўзларни ўқир эканман, беихтиёр хаёлга чўдим:

- Ҳа, бизлар истиқлолгача ким эдик? Қадримиз қай даражада эди? Ғуруримизчи? Ўзи «миллий гурур», «миллий ифтихор» деган сўзларни тилга олиш мумкинми? Бундай сўзларни ошқора айта олармидик? Тилимиз қай аҳволда, қай мақомда эди? Бизнинг онгимизга, қалбимизга болаликдан миллий ифтихор дея Бухорий, Яссавий, Нақшбандий меросини эмас, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темура жасоратини эмас, Бехбудий, Чўлпон, Фитратнинг эркесвар, маърифатпарварлигини эмас, аждодларимизнинг буюк илмий, маданий-маърифий меросини эмас, балки бошқа нарсани, тўғрироғи пахтанигина сингдиришмасмиди?

«Сенга миллий ифтихор керак бўлса, ана пахта, уни эк, юқори ҳосил эштиштир, декабрь охиригача қолган-қолмагача йиғиштириб ол-да, сунгра, бу ўшанинг билан қанча хоҳласанг шунча гурурланавер!»


Миллатнинг ўзлигини танитадиган ифтихор ҳақидачи?

Негадир бир зум қулоғим остида ўша давр корчалонларидан бирининг қалбни эзувчи сўзи янграгандай бўлди!

- Маънавият дейсанми, ахир «Ўзбек тили изоҳли луғати»да бундай сўзнинг ўзи йўқку!

Беихтиёр яна ўша даврни эслайман. Ажаб, Ўзбекистон дея аталса-да бош майдони, марказий кўчаларида бирорта ўзбек тилидаги шиорга кўз тушмас! Аризалар, мурожаатлар, расмий хатлар, идоралараро ёзишмалар ўзга тилда олиб борилса. Съездлар, мажлислар ҳақидаку гапирмасам ҳам бўлади. Илмий ишлар, тадқиқотлар ўзга тилда ёзилса, сунгра таржима қилинса? Ҳарбий соҳа, тиббиёт, техника йўналишлари борасида оғиз очишга ҳайиқарди киши. Негаки бу соҳаларда иш юритишга ўзбек тилининг имконияти етмайди, деган қараш мавжуд эди. Жамиятда ўзга тилда сўзлашишга фазилат ва маданият, она тилида сўзлашишга нуқсондай қараларди. Бу каби қанча камситишларни бошдан ўтказдик.

(Давоми 4-бетда)



## ЎзМТДП ҲАЁТИ

# Партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш — бош вазифа

ЎзМТДП Марказий Кенгаши III пленумида партиядошларимиз 2008 йил иш фаолиятларини сарҳисоб қилиб, жорий йил вазифаларини белгилаб олишди. Амалий тақлифлар ва баҳс-мунозараларга бой бўлган пленумдан мухбирларимиз хабар қилишади

### И.ХУДОЁРОВ, Г.УМУРЗОҚОВА, Д.ХАЙИТОВА, «Milliy tiklanish» мухбирлари

Мақоламиз сарлавҳаси ва тагсўзида таъкидланганидек, дарҳақиқат, «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгашининг III пленуми чуқур таҳлил, асосланган хулосалар ҳамда ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Гарчи партия фаолиятида муайян ютуқлар бўлсада, лекин асосий эътибор камчилик ва навбатдаги вазифаларга қаратилди. Шу сабабли ҳам пленумда муҳокама этилган барча масалалар унда иштирок этган «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши, партиянинг Олий Мажлиси Қонуңчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Марказий ва ҳудудий назорат-тафтиш комиссияси аъзоларини бефарқ қолдирмади.

Кун тартибидagi биринчи масала, яъни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан 2008 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ахтам Турсунов ахборот берди.

— Утган 2008 йил партияимиз ҳаёти учун муҳим сиёсий воқеа-

ларга бой бўлди, - деди партия раҳбари. — «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси ўзаро бирлашиб, янгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вужудга келди. Партия Устави ва Дастури қабул қилинди. Халқимизнинг бой ва бектарор миллий анъаналари ва қад-

риятларини сақлаш, ўзликни англаш, миллий истиқлол ғояси ва мафқурасини янада мустаҳкамлаш, фуқароларимиз онгида тарихий ўтмиш, бугунги кун ва келажакдан фахрланиш туйғусини тарбиялаш, ёшлар қалбиди ватанпарварлик ҳиссини уйғотиш партияимизнинг асосий дастурий мақсадлари қилиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарларида алоҳида таъкидлаганидек: «Биз ўз тарихимизни ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага хар томонлама муносиб ва қодир бўлишимиз даркор».

(Давоми 2-бетда)

## СПОРТ

Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги энг кучли футбол клубларининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси яна тўрт поғона кўтарилиб, Осиёда иккинчи ўринда қайд этилди.

### «Бунёдкор» Осиёда иккинчи

Зохир ТОШХҲЖАЕВ, ЎЗА мухбири

IFFHS мутахассислари томонидан мазкур рўйхатни тузишда жамоаларнинг сўнгги ўн икки ой мобайнида миллий чемпионат ҳамда халқаро миқёсдаги расмий учрашуларда қайд этган натижалари инобатга олинган.

Олтмиш олтинчи поғонадан жой олган «Бунёдкор» Осиё чемпионлар лигасида голиб чиққан Япониянинг «Гамба Осака» жамоасидан кейинги ўринда.

Умумий рўйхатда эса Европа чемпионлар лигаси голиби ва клублар ўртасида жаҳон чемпиони — «Манчестер Юнайтед» (Англия) пешқадамлик қилмоқда. Германиянинг «Бавария» ва Испаниянинг «Барселона» жамоалари кучли учликдан жой олган.

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

## ЎЗМТДП ҲАЁТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, маърузада «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг қучга кириши барча партиялар қатори, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фаолияти учун ҳам янги уфқларни очганлиги ва елкамиздаги масъулиятни янада кучайтирганлиги таъкидланди.

Айни пайтда ЎЗМТДПнинг бошланғич партия ташкилотлари (БПТ) ва улардаги аъзолар сони қайта ҳисобдан ўтказилмоқда. Лекин афсуски бу борадаги ишларимиз ҳамма ҳудудларда ҳам яхши олиб борилаётгани, деб айта олмаيمиз. Масалан, бу кўрсаткич Навоий вилоятида 27,9 фоиз, Тошкент вилоятида 25,6 фоиз, Наманганда 31,1 фоиз, Сирдарёда 31,9 фоизни ташкил этади ҳоло.

ЎЗМТДП Уставига асосан партия аъзолари ҳар йилда аъзолик бадаллари тўлашлари лозим. Фақат пенсионер ва талабаларгина бундан мустасно. Лекин бу борадаги ишларимизни тубдан кучайтиришимиз керак. Ушбу масала ўз навбатида барча партия аъзолари томонидан жиддий эътибор қаратилиши лозимлигини талаб қилади. Шунинг учун Марказий Кенгаш Ижроия кўмитаси жорий йилнинг 23 январидан бўлиб ўтган мажлисида Назорат-тафтиш комиссиясида ҳудудий партия ташкилотларининг 2008 йилдаги молия-ҳўжалик фаолияти ва бадаллар тушумини жиддий ўрганиб, тегишли хулоса бериш сўралди.

ЎЗМТДП томонидан сентябрь-декабрь ойлари давомида мафқуравий, маънавий-маърифий, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш йўналишида 385 та маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув, давра сўҳбати, очик мулоқот, семинар ва кўрик-танловлар ўтказилди.

Халқ депутатлари Навоий ва Тошкент вилоятлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида Президент Ислам Каримов томонидан билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларда ЎЗМТДП депутатлик гуруҳларининг фаолияти юзасидан ахборотлар Марказий Кенгаш

# Партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш — бош вазифа

тига ҳам тўхталди. Газетанинг макет, умумий қиёфаси тубдан ўзгартирилди ва 8 саҳифада рангли чиқиши йўлга қўйилди, деди у. Биринчи бети қисман ва иккинчи бети тўлиқ партия ва фракция ҳаётига бағишланди. Партия ташкилотлари ва партиядан сайланган депутатлар фаолияти газетанда махсус рунклар остида бериб борилмоқда. Бундан ташқари газетанда «Ижтимоий-сиёсий ҳаёт», «Иқтисодийёт», «Маънавият», «Жараён», «Ўзбекистон ва жаҳон», «Маданият ва спорт» сингари махсус саҳифалар ташкил қилинди. Газета партиянинг дастурий мақсадлари ва голярини, партия ҳаётини кенг қамровда таҳлил қилувчи материаллар сони ва салмоғини янада кўпайтириши зарур бўлади. Партиянинг дастурий мақсадларини кенг оммага тарғиб-ташвиқ қилиш, партия ичидаги баҳс-мунозараларни батафсил ёритиш ва энг муҳими чинакам маънодан партия матбуот наشريга айланиши учун тахририят ходимлари олдига масъулиятли вазифалар турибди.

Тўғри, партия ўз наشري бўлган «Миллий тикланиш» газетасига 2009 йил учун обунани ташкил этиш борасида қатор тадбирларни амалга оширди. Лекин бу борадаги натижаларни ҳамма ҳудудда ҳам яхши деб бўлмайди. Кўпгина партия ташкилотлари бу масалада етарли даражада ташаббус кўрсатмади. Айниқса, Фарғона, Андижон, Жиззах, Хоразм, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида обуна ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди, дейилди маърузада.

Жойлардаги партия ташкилотлари газета тахририяти билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари, ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги маълумотларни тахририятга ўз вақтида етказишлари, газета партиянинг юзи ва сўзи эканлигини партия ташкилотлари ҳам, тахририят ходимлари ҳам унутмасликлари лозим.

Барчамиз учун катта сиёсий синов йили бўладиган 2009 йилда фаолиятимизни тубдан ўзгартиришимиз, масъулият ва катта куч-ғайрат билан ёндашишимиз, бир сўз билан айтганда партия дастурий мақсадларини

си аъзолари фаол иштирок этдилар.

Фракция аъзолари амалдаги қонун ижроси юзасидан назорат-таҳлил жараёнида ҳам фаолилик кўрсатмоқда. Умуман ҳисобот даврида фракция аъзолари қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш юзасидан тузилган ишчи гуруҳлари таркибиде 42 марта иштирок этдилар.

Пленумда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари, «Миллий тикланиш» газетаси Бош муҳаррири Жалолиддин Сафоев партия наشري - «Миллий тикланиш» газетасининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ахборот берди. Газетанинг илк сони 2008 йилнинг 30 октябрида нашр қилинди. Газета концепцияси партия дастуридан келиб чиққан ҳолда тайёрланди. БПТ фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин бу ҳали газета партия фаолияти ва унинг дастурий мақсадларини тўлиқ қамраб олди, деб айта олмаимиз. Газетанда партиявий мавзу етакчилик қилиши керак, деб ҳисоблаймиз ва ана шунга ҳаракат қиламиз. Партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси бошчилигида бир гуруҳ партия вакиллари яқинда газета ходимлари билан юзма-юз мулоқот ўтказди, имконият ва шароитлари билан қизиқиб, газета ходимларининг тақдир ва мулоҳазаларини эшитдилар. Партия билан унинг наشري ўртасида алоқалар, ахборот алмашинувини янада тезкор усулларини қўлашга келишиб олинди.

Шундан сўнг пленум иштирокчилари юқоридаги ҳисобот ва ахборотлар юзасидан музокарага чиқдилар. Музокарага чиққан ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова, ЎЗМТДП Фарғона вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Набижон Собилов, партия Марказий Кенгаши аъзолари Лола Саидова, Зокиржон Машрабов билдирилган фикр ва хулосаларнинг тўғрилиги, камчилик ва муаммоларни ўзаро бериш ҳолда бартараф қилиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, жой-

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши III пленумида партиядошларимиз 2008 йил иш фаолиятларини сарҳисоб қилиб, жорий йил вазифаларини белгилаб олишди. Амалий тақлифлар ва баҳс-мунозараларга бой бўлган пленумдан муҳбирларимиз хабар қилишди



## Сўз пленум иштирокчиларига

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**  
ЎЗМТДП МК ИК  
раиси ўринбосари:

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ўз фаолиятини бошлагандан сўнг ўтган қисқа давр ичида ташкилий-партиявий ва кадрлар масалаларига оид бир қатор ишлар амалга оширилди. Амалга оширилган ишлар тўғрисида Марказий Кенгаш Ижроия кўмитаси раиси А.Турсунов мазкур маълумот берди. Таъкид қилинди, партия вакиллари яқинда газета ходимлари билан юзма-юз мулоқот ўтказди, имконият ва шароитлари билан қизиқиб, газета ходимларининг тақдир ва мулоҳазаларини эшитдилар. Партия билан унинг наشري ўртасида алоқалар, ахборот алмашинувини янада тезкор усулларини қўлашга келишиб олинди.

Шундан сўнг пленум иштирокчилари юқоридаги ҳисобот ва ахборотлар юзасидан музокарага чиқдилар. Музокарага чиққан ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова, ЎЗМТДП Фарғона вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Набижон Собилов, партия Марказий Кенгаши аъзолари Лола Саидова, Зокиржон Машрабов билдирилган фикр ва хулосаларнинг тўғрилиги, камчилик ва муаммоларни ўзаро бериш ҳолда бартараф қилиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш, жой-

хатарли таҳдидлардан ҳимоя қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

**Ахрор АҲМЕДОВ,**  
ЎЗМТДП МК аъзоси:

— Давр шиддат билан ўзгариб бормоқда. Дунёда қуроллик дўк-пўписалардан кўра мафқуравий таҳдиднинг таъсири ортиб бормоқда. XXI аср инсон онгига ҳар қандай тўсиқлардан монеликсиз ўтиб хуруж қилиш имконига эга технологиялар даврига айланди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Дастурида ёшлар онгини ҳар хил йўллар билан юртимизга қайта келатиш мақсадларидан ташқари, келажикдаги маданиятнинг тарғиб-ташвиқини, «оммавий маданият» ақидапарастлигининг минг йиллик аъналаримиз, ўрф-одатларимизга қўрсатаётган зарарли таъсири ва таҳдидларига қарши курашиш асосий мақсадлардан бири қилиб белгиланган. Биз бундай зарарли иллатларга қарши курашишимиз учун кўлимизда кучли қурол бўлган — ўз миллий сиёсати-миз, миллий иқтисодийимиз ва миллий мафқураимизга эгамиз. Истиклол йилларида уларга пойдевор қўйилди ва шакллантирилди, энди уни мустаҳкамлаш, замон талабларига уйғун ҳолда янада ривожлантириш зарур.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Устав ва Дастури Юртбошимизнинг гоят муҳим ва ҳал қилувчи масалаларни ўртага ташлаган «Юксак маънавият — энгилмас куч» асари руҳи билан суғорилган десак муволафа бўлмайди. Зеро, китобда мамлакатимиз тарққиёти, баркамол авлод тарбияси, миллат равнақи ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимизни топиш учун нималарга эътибор бериш, глобаллашиб бораётган дунёда қайси йўлдан боришимиз лозимлиги аниқ-равшан баён этилган. Айтиш мумкинки, пленумда бугун юртимизда ана шундай гоъий қуролга эга сиёсий куч сифатида фаолият олиб боришда олдимизда турган муҳим вазифалар ана бир қарра белгилаб олинди.

**Баҳодир ЖУМАНИЕЗОВ,**  
ЎЗМТДП Урганч шаҳар  
кенгаши Ижроия кўмитаси  
раиси:

— Биз эришган айрим ютуқларимиз билан бир қаторда мавжуд камчиликларимизни ҳам тан олишимиз керак. Пленумда партиянинг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинар экан айниқса, бошланғич партия ташкилотлари иши бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Мавжуд хато ва камчиликлар ўрганилиб, келгусида унга йўл қўймаслик чора-тадбирлари белгиланди. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини тубдан янгилаш ҳамда уларнинг сони ва сифатини ошириш, БПТларни партия фаолиятининг маркази ва бош таянчи деб билиш, асосий тадбирларни БПТлар жой-

йилга мўлжалланган йиллик иш режасида партиянинг барча бўғинларидаги аёллар ва ёшлар қанотлари фаолиятини қайта кўриб чиқиш, уларни янада жонлантириш масаласига алоҳида ургу берилди. Бунда эътиборимизни мазкур масаланинг айнан қайси жиҳатларига қаратиш зарур деган асосли савол туғилади ва ушбу саволнинг муҳтасар жавоби эса юртимиздаги хотин-қизлар ва ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини янада чуқурлаштириш, жамиятимизда кечаётган изчил ишловлар жараёнида фаолигини оширишдан иборатдир. Фаолиятимизда ҳеч қачон ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайдиган яна бир вазифа бу — маънавият тарғиб-ташвиқининг ижобий таъсири билан бирга салбий жиҳатлари ҳам ҳаётимизга бирдек кириб келмоқда. Бу жараёнда эса энг асосий сиёсий миллий гоъий биринчи навбатда ёш авлоднинг онгига синдириш, уларни ватанпарварлик, миллатпарварлик руҳида тарбиялаш талаб этилади.

**Замира ХУДОЁРОВА,**  
ЎЗМТДП МК аъзоси, Андижон шаҳар 42-сонли мактаб директори:

— Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарида «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси. Бу ҳақда Фикр юртганимизда мен Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё наҳот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир», деган чуқур маъноли сўзларини эслаймам. Буюк маърифатпарвар бобомизнинг бу сўзлари асрилик бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги вақтда ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарб аҳамият касб этади...» дейилган. Нега бу фикрларни олиб олдик? Чунки Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Дастурида ҳам ана шу ўта муҳим вазифаларга жуда катта эътибор қаратилган. Демакки, биз қайси соҳа вакиллари бўлмайлик маънавият ва келажик авлод баркамоллиги масаласига жонқуярлик ҳамда масъулият билан қарашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугун пленумда ёшлар масаласида самарали фаолият олиб боришда нималарга эътибор қаратишимиз кераклиги юзасидан аниқ тақлифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу вазифалар партиянинг йиллик иш режасидан ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Белгиланган вазифаларни шижоат ва масъулият билан ижросини таъминлаш барча партиядошларимиз бурчидир.

## «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» Демократик партиялари учун 2008 йилда давлат бюджети томонидан 962 792,0 сўм пул маблағлари ажратилган эди. Ажратилган пул маблағларининг 931 112,0 сўми тасдиқланган сметалар асосида ҳарajat қилинди. Қолган 31 679,1 сўм пул маблағлари Адлия Вазирлигига қайтариб берилди.

Адлия Вазирлигига қайтарилган 25 743,2 сўм пул маблағлари ЎЗМТДП Бухоро, Самарқанд ва Фарғона вилоят кенгашларининг ойлик маоши ва 5 935,9 сўм иш бевуручининг 24 фоизли ажратмасидан иборат.

Собиқ Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига 40 435,8 сўм аъзолик бадаллари, 10 704,7 сўм ҳомийлик ва хайрия маблағлари жами 51 140,5 сўм пул маблағлари тушган.

Собиқ Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига 13 363,5 сўм аъзолик бадаллари ва ҳомийлик пул маблағлари тушган. Янгиланган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига 2008 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари учун 19 118,6 сўм аъзолик бадаллари ва 1 072,4 сўм ҳомийлик пул маблағлари тушган. 2009 йилнинг 1 январь ҳолатига ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар кенгашларининг 54 101,1 сўм пул маблағлари мавжуд.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясига 2009 йил учун давлат бюджетидан 1 444 355,0 сўм пул маблағлари ажратилган.

Иш ҳақиға 913 286 713 сўм  
Ажратмага 216193611 сўм  
Сафар харажатларига 17 781 640 сўм  
Алоқа хизматиға 7 140 000 сўм  
Интернет хизматиға 2 760 000 сўм  
Автотранспорт воситаларини сақлаш учун 4 000 000 сўм  
Бензин ёқилги-мойлаш материаллари учун 5 464 800 сўм  
Ижара ва коммунал хизматлар учун 36 287 160 сўм  
Компьютерларға техник хизмат кўрсатиш учун 3 000 000 сўм  
Канцелярия, хўжалик моллари,обуна ва норма хизматлари учун 25 727 076 сўм  
Партия фаолиятини тарғиб-ташвиқот этувчи, кўргазмали ва бошқа материаллар тайёрлаш учун 128 624 000 сўм  
Бошқа харажатлар учун 5 000 000 сўм  
Асосий воситаларини сотиб олиш учун 74 090 000 сўм  
Жами 1 444 355 000 сўм пул маблағлари 2009 йилнинг смета харажатларига киритилган.

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши



Ижроия кўмитаси ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияларининг кўшма йиғилишларида тинглангани келишиб олинган эди. 2009 йил 19 январь куни халқ депутатлари Жиззах ва Хоразм вилоятлари кенгашларидаги ЎЗМТДП депутатлик гуруҳларининг 2005-2008 йиллардаги фаолияти юзасидан ахборотлари тингланди, деди маърузачи. Йиғилишда депутатлик гуруҳларининг фаолияти танқидий муҳокама этилиб, фаолият самарадорлигини ошириш борасида тавсиялар берилди. 2009 йил давомида халқ депутатлари ҳудудий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама этиш давом эттирилди. Депутатлик гуруҳлари фаолият самарадорлигини янада ошириш борасидаги тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатиш белгилаб олинди.

амалга ошириш бош вазифа-мизга айланиши лозим, деди, пировардида партия раҳбари. Пленумда ЎЗМТДП фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмухамедов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг 2008 йил фаолияти юзасидан ҳисобот берди. Нотик фракция сиёсий партиянинг муҳим, нуфузли ва энг фаол бўғини бўлмоғи керак,- деди. Маълумки, фракция аъзолари сони 29 нафар депутатдан иборат. «Миллий тикланиш» демократик партияси бугун замон олдимизга қўяётган вазифаларни қонунлар ижодкорлиги орқали ечимини топишга мавжуд имкониятларни тўла ишга солиши керак, деди фракция раҳбари. Маълумки Қонунчилик палатаси депутатларининг асосий вазифаси қонун ижодкорлигидан иборат. Айтиш керакки, палата томонидан қабул қилинган қонунларни тайёрлашда «Миллий тикланиш» демократик партияси фракция-

ларда БПТлар ишини жонлантириш, тадбирларнинг нафадорлигини ҳам ошириш, ёшларнинг партиядаги ўрни, ўзаро тажриба алмашиш, жорий йилда бўладиган сайловларга тайёргарлик кўриш, масаласида энди сира йўл қўйиб бўлмаслик лозимлигига эътибор қаратдилар. Пленумда ЎЗМТДПнинг 2008 йил учун умумлаштирилган сметаси ижроси, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари Ижроия кўмитаси девонининг 2009 йил учун ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали, ЎЗМТДП Марказий Кенгашининг 2009 йилга мўлжалланган иш режаси, партиянинг 2009 йилга мўлжалланган умумлаштирилган сметаси, партия байроғи ва кўкрак нишонини намуналарига доир масалалар муҳокама қилинди ва тасдиқланди.









# ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН


## БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

**Молиявий инқироз қачонгача давом этади? Жаҳон ҳамжамияти иқтисодийдаги пасайишлар оқибатида келиб чиқаётган ишсизлик, ишлаб чиқаришдаги пасайишни қандай бартараф этмоқда? Бу борада Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар нималардан иборат? Мазкур саволлар ҳозир кўпчиликни кизиқтириши турган гап.**

## Ўзини оқлаган сиёсат

жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсирини камайтириш юзасидан мамлакатимизда зарур ишлар амалга оширилмоқда




Микёси ва кўлами жиҳатдан тобора кенгайиб бораётган молиявий инқироз дунё иқтисодиёти бир-бирига нақадар чамбарчас боғлиқлиги, бир минтақада пайдо бўлган иқтисодий пасайиш тез орада дунёнинг бошқа нуқтасида ҳам акс садо беришини кўрсатди. Бугунги инқироздан ҳар кун қанча одам кўчага ҳайдалётганини айтиш мушкул, аммо ақинда Россиянинг "Lenta.ru" сайти Европа ва Америкадаги энг йирик компаниялар бир кунда қарийб 85 минг киши билан хайрлашганини маълум қилган. Бундан ташқари уй-жойидан ажралганлар, маошлари кескин туширилган, муқофотлардан айрилганлар қанчадан-қанча!

Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғли барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизми қанчалик кучли эканига боғлиқ. Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш ва ислоҳ қилишнинг изчил ва босқичма-босқич амалга оширишнинг ўзига хос модели жаҳонда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ўзининг нақадар тўғри эканлигини намойиш этмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бу борада шундай деганди: "Биз иқтисодий ислохотларни ўтказишда узоқ ва давомли миллий манфаатларимизни кўзда тутган ҳолда, "шок терапияси" деб аталган усуллари бизга четдан туриб қиритишга қаратилган уринишлар ва бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибга солиди, деган ўта жун ва алдамчи тасавурлардан ўз вақтида воз кеча олдик.

Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бошқарувнинг бозор тизимига ўтиш жараёнида тадрижий ёндашувни, "Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг" деган ҳаётий тамойилга таянган ҳолда, ислохотларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш йўлини танладик. Энг муҳими, парокандалик ва бошбошдоқлик таъсирига тушиб қолмаслик учун ўтиш даврида айнан давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигини биз ўзимизга аниқ белгилаб олдик. Мамлакатимизнинг узоқ ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатларда ва кескин вази-



## РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

**Бунга археологларнинг топилмалари ашёвий далил бўла олади. Колаверса, Ҳинд дарёси водийсидан топилган бронза асрига оид маданий ашёлар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ҳинд маданиятининг шаклланишида Хараппа цивилизациясининг эрамызга қадар (II-III минг йиллик) таъсири кучли бўлган. Афсуски, замонавий илм-фан қадимги Ҳинд цивилизацияси ҳақида бирмунча кечроқ, XX асрнинг 20-йилларида хабар топди. Бироқ унинг дунё цивилизациялари қаторидан ўрин олиши анчайин мураккаб кечди. Негаки, тадқиқотчилар бирмунча чигал саволларга дуч келишган эди.**

Археолог олим Р.Банержи 1922 йил қазимила ишларини олиб бораётганида қадимги Ҳинд шаҳарларидан бири — Мохенждаро қолдиқларига дуч келди. Археологик топилмалар Мохенждаро шаҳри 5000 минг йил аввал Хараппа цивилизациясининг йирик марказларидан бири бўлганидан далолат берарди. Олимларнинг фикрича, орирлар цивилизацияси нафақат Евроосий балки Қадимги Ҳиндистон маданиятига ҳам улкан ҳисса қўшган. Миллоддан аввалги III минг йилликда балки, ундан ҳам аввалроқ Ҳинд дарёси водийсида катта-катта шаҳарлар вужудга кела бошлаган. Мохенждаро ва Хараппа шаҳарлари Ҳинд дарёси ҳавзасининг энг йирик маданий ўчоқлари эди. Иккала шаҳарда ҳам мустақкам муҳофаа деворлари билан ўралган ички қаср

## Қадимги Ҳиндистон

Илк цивилизациялардан бири — қадимги Ҳинд маданияти тош асрига бориб тақалади


биат ўзгаришлари шунчаки рўй бераётгандек, барча балоқазо инсон зотидан ранжиган илоҳлар томонидан юборилар эди. Қадимги Ҳинд ривоятларида айтилишича, Қуёш худоси ҳар тонгда олтин аравада осмон бўйлаб сайрга чиқади. Қуёш тунги зулматни тарқ этиб, одамларга иссиқлик ва ёруғлик улашиш ниятида уфқдан бош кўтарарди. Момақалдиқ худоси Индра осмондаги сувни тутқунликдан ҳолос этгач, Ер юзиде қурғоқчилик поёнига етган экан. Ҳиндлар айрим хуртоларнинг ёввойи ҳайвонлар диндорликда ҳам тасаввур этишган. Масалан, улар филга сизинишган. Хатто, Ҳинд маъбудларидан бири донишманд Ганешанинг боши қуйиб қўйгандек филниқига ўшаб кетади. Сигир эса Ҳиндлар орасида алоҳида эъзозланиб, у муқаддас ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Ушунда сигирни ўлдирган киши жиноятчи, деб эълон қилинган. Табиийки бундай киши одамлар жамоасидан ҳайдаб юборилар, у билан мулоқотда бўлиш қатъиян ман этиларди.

Ҳиндлар жон бир танадан бошқасига қўчиб ўтишига қаттиқ ишонишади. Улар ва-

## Қадимги Ҳиндистон маданияти

хунарманд ва савдогарлар; шудралар — хизматкор ва куллар. Шунингдек, фарзандлар ҳам ота-она табақасидан бош-этаверарди, деб ҳисоблашади. Бироқ, инсон вафот этгач қай бир жонзот қиёфасида қайта туғилиши унинг бу ҳаётда қилган иши ва яхши амалларига боғлиқ экан.

Чунонки, қадимги Ҳиндлар қандай юмуш билан шуғулланишига қараб тўрт гуруҳга бўлинган Бу: брахманлар — хоҳинлар; кшатрийлар — жангчилар; вассийлар — деҳқон,



ма ёшга тўлгунга қадар ҳукмдор ота бағрида, саройда беташвиш роҳат-фароғатда кун кечирарди. Қунардан бир кун шаҳзода сайр қилиб юрган чоғида мунқиллаган чолдан фарқи йўқ, бедаво дардга йўлқабий аслзодалар ва руҳонийлар сафи янада кенгайди. Ҳиндистон илм-фанда хусусан, астронимия ва математика соҳасида юсак натижаларга эриша олди. Ҳиндлар 360 кундан таркиб топган Қуёш календарини тузишган. Бу даврда санав ва ҳисоблашнинг ўнлик системаси кенг тарқалди. Бундан ташқари Ҳиндлар "нол"ни ифодаловчи махсус санок тартибини кашф этишади.

Қўнча Ҳинд диёрида ихтиро қилинган, "қўшинларнинг тўрт тури" дея аталувчи ўйин бугунги кунда бутун дунёда "шахмат" деб аталган. Ҳиндларнинг қўнча қадар Дехли шаҳрида сақланаётган тоза темирдан қуйилган минора устунини ҳали ҳам ўша ўша — асллар сурони унга зигирча ҳам таъсир қилмаган.

Жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида Ҳиндларнинг диний қарашлари ҳам ислохотларга юз бурди. Янги буддавийлик динига Будда тахаллусини олган шаҳзода Сидхартха Гаутама асос солган. Ривоятларда айтилишича, шаҳзода йитир-

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Тадбирлар баҳор ва ёзда

Афғонистонда президентлик сайловлари жорий йилнинг 20 август кунини ўтказилади.



Бу ҳақда "Озодлик" радиоси мамлакат сайлов коммиссияси маълумотларига таяниб хабар тарқатган. Конституцияга мувофиқ овоз бериш жараёни майда ўтказилиши лозим, аммо коммиссия хавфсизлик нуқтаи-назаридан август ойига кўчирган. Тахминларга кўра, амалдаги президент Ҳамид Карзай сайловда ўз номзодини илгари суради. Молдовада навбатдаги парламент сайловлари эса 2009 йил 5 апрелда ўтказилиши режалаштирилган. "Янги регион"нинг маълумотларига кўра, бу ҳақда Қонунчилик органидаги доимий бюро маълум қилган. Кузатувчиларнинг фикрича, унда амалдаги президент Владимир Воронин билан Коммунистлар партияси, "Бизнинг Молдова" альянси, Либерал ва Либерал демократлар партиялари ўртасида кураш кечади.

## Ўйни обод қил

2008 йилда кўпгина россияликлар ўз маблағларини тузар-жойларини таъмирлашга сарфлашган.

Бу ҳақда Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълум қилган. 2008 йил ҳолатига кўра, умумий 39 фоиз аҳоли ўз уйлари обод қилишга қаратган. Бугунги кунда мамлакат аҳолиси 150 миллион нафарни ташкил этганини инобатга олсак, шундан қарийб 65 миллион россияликлар квартираларини ремонт қилишга улгуришган. Майдони жиҳатдан дунёдаги энг катта давлатда иккинчи энг эҳтижман ҳаражатлар сирасига уяли алоқани сотиб олиш эгаллади — 9 фоиз. 3-ўринни автомобиллар харид қилиш ва ўқишга тўлов эгаллади — 6 фоиз. Атиги 1 фоиз аҳоли асосий сарф-харажатларини квартира, ерлар ёки гараж, акциялар сотиб олишга қаратган.

## Олимпиада ҳомийси ким?

Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси ҳомийлик учун телекоммуникация ва банклардан аризалар қабул қилишни якунлади.

Ҳозир МТС, «Вимпелком», «Комстар» ва «Бинбанк» сингари ташкилотлар ҳомий бўлишни исташмоқда. Ушбу икки тоифа бўйича голиблар февраль охирида маълум бўлади. Бош ҳомийлар олтига категория, шу жумладан газчилар, нефть, металлургия компаниялари орасида аниқланади. Сўнги хабарларга кўра, ташкилий қўмитага, шунингдек, «Сбербанк», «Ростелеком» ва ВТБ ҳам ўз аризалари билан мурожаат этган. Аммо «Газпромбанк» ҳомийлик шартлари билан танишиб чиққач, конкурсда иштирок этишдан бош торган. Бош ҳомийлик пакетининг миқдори 100-150 миллион АҚШ долларини ташкил этади.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

## РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Бунга археологларнинг топилмалари ашёвий далил бўла олади. Колаверса, Ҳинд дарёси водийсидан топилган бронза асрига оид маданий ашёлар ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ҳинд маданиятининг шаклланишида Хараппа цивилизациясининг эрамызга қадар (II-III минг йиллик) таъсири кучли бўлган. Афсуски, замонавий илм-фан қадимги Ҳинд цивилизацияси ҳақида бирмунча кечроқ, XX асрнинг 20-йилларида хабар топди. Бироқ унинг дунё цивилизациялари қаторидан ўрин олиши анчайин мураккаб кечди. Негаки, тадқиқотчилар бирмунча чигал саволларга дуч келишган эди.

Археолог олим Р.Банержи 1922 йил қазимила ишларини олиб бораётганида қадимги Ҳинд шаҳарларидан бири — Мохенждаро қолдиқларига дуч келди. Археологик топилмалар Мохенждаро шаҳри 5000 минг йил аввал Хараппа цивилизациясининг йирик марказларидан бири бўлганидан далолат берарди. Олимларнинг фикрича, орирлар цивилизацияси нафақат Евроосий балки Қадимги Ҳиндистон маданиятига ҳам улкан ҳисса қўшган. Миллоддан аввалги III минг йилликда балки, ундан ҳам аввалроқ Ҳинд дарёси водийсида катта-катта шаҳарлар вужудга кела бошлаган. Мохенждаро ва Хараппа шаҳарлари Ҳинд дарёси ҳавзасининг энг йирик маданий ўчоқлари эди. Иккала шаҳарда ҳам мустақкам муҳофаа деворлари билан ўралган ички қаср

## Қадимги Ҳиндистон

Илк цивилизациялардан бири — қадимги Ҳинд маданияти тош асрига бориб тақалади

биат ўзгаришлари шунчаки рўй бераётгандек, барча балоқазо инсон зотидан ранжиган илоҳлар томонидан юборилар эди. Қадимги Ҳинд ривоятларида айтилишича, Қуёш худоси ҳар тонгда олтин аравада осмон бўйлаб сайрга чиқади. Қуёш тунги зулматни тарқ этиб, одамларга иссиқлик ва ёруғлик улашиш ниятида уфқдан бош кўтарарди. Момақалдиқ худоси Индра осмондаги сувни тутқунликдан ҳолос этгач, Ер юзиде қурғоқчилик поёнига етган экан. Ҳиндлар айрим хуртоларнинг ёввойи ҳайвонлар диндорликда ҳам тасаввур этишган. Масалан, улар филга сизинишган. Хатто, Ҳинд маъбудларидан бири донишманд Ганешанинг боши қуйиб қўйгандек филниқига ўшаб кетади. Сигир эса Ҳиндлар орасида алоҳида эъзозланиб, у муқаддас ҳайвонлардан бири ҳисобланади. Ушунда сигирни ўлдирган киши жиноятчи, деб эълон қилинган. Табиийки бундай киши одамлар жамоасидан ҳайдаб юборилар, у билан мулоқотда бўлиш қатъиян ман этиларди.

Ҳиндлар жон бир танадан бошқасига қўчиб ўтишига қаттиқ ишонишади. Улар ва-

## Қадимги Ҳиндистон маданияти

хунарманд ва савдогарлар; шудралар — хизматкор ва куллар. Шунингдек, фарзандлар ҳам ота-она табақасидан бош-этаверарди, деб ҳисоблашади. Бироқ, инсон вафот этгач қай бир жонзот қиёфасида қайта туғилиши унинг бу ҳаётда қилган иши ва яхши амалларига боғлиқ экан.

Чунонки, қадимги Ҳиндлар қандай юмуш билан шуғулланишига қараб тўрт гуруҳга бўлинган Бу: брахманлар — хоҳинлар; кшатрийлар — жангчилар; вассийлар — деҳқон,

## Қадимги Ҳиндистон маданияти

ма ёшга тўлгунга қадар ҳукмдор ота бағрида, саройда беташвиш роҳат-фароғатда кун кечирарди. Қунардан бир кун шаҳзода сайр қилиб юрган чоғида мунқиллаган чолдан фарқи йўқ, бедаво дардга йўлқабий аслзодалар ва руҳонийлар сафи янада кенгайди. Ҳиндистон илм-фанда хусусан, астронимия ва математика соҳасида юсак натижаларга эриша олди. Ҳиндлар 360 кундан таркиб топган Қуёш календарини тузишган. Бу даврда санав ва ҳисоблашнинг ўнлик системаси кенг тарқалди. Бундан ташқари Ҳиндлар "нол"ни ифодаловчи махсус санок тартибини кашф этишади.

Қўнча Ҳинд диёрида ихтиро қилинган, "қўшинларнинг тўрт тури" дея аталувчи ўйин бугунги кунда бутун дунёда "шахмат" деб аталган. Ҳиндларнинг қўнча қадар Дехли шаҳрида сақланаётган тоза темирдан қуйилган минора устунини ҳали ҳам ўша ўша — асллар сурони унга зигирча ҳам таъсир қилмаган.

Жамиятдаги ўзгаришлар таъсирида Ҳиндларнинг диний қарашлари ҳам ислохотларга юз бурди. Янги буддавийлик динига Будда тахаллусини олган шаҳзода Сидхартха Гаутама асос солган. Ривоятларда айтилишича, шаҳзода йитир-

# МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

## ФОЛЬКЛОР

### Эзгулик чироғи

халқдан олиниб, халққа берилади

Алишер РАҲМОНОВ,  
"Milliy tiklanish" мухбири

Инсоният ҳақида эзгулик интилиб келган ва ҳамма вақт унга эҳтиёж сезган. У ўзининг барча орзу мақсадлари, ўй-интилишлари, фикр ва туйғуларини сўз воситасида айтишга ҳаракат қилган. Шу боисдан ҳам бахшичилик санъати ана шундай эҳтиёжларнинг маҳсули бўлган десак адашмаган бўламиз. Бахшичилик санъати ҳали ёзув пайдо бўлмасдан бурунқ шаклланиб келган.

Бахшилар ўз халқи, аждодларини узоқ йиллик тарихи ва маънавий меросини бизгача етказган ва улардан баҳраманд этган улуг санъаткорлардир. Ўзбекистонда, асосан, уч йўналишдаги бахшилик санъати мавжуд: очик овоз билан ижро этиладиган Хоразм бахшилик усули, қорақалпоқ бахшилик усули ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаларида кенг тарқалган томоқ билан айтиладиган бахшилик услубидир.

Музабротлик Қора бахши Умиров айнан томоқ билан айтиладиган бахшилик услубининг намояндаларидан бири. Ўзбек халқининг оғзаки ижодиёти-дostonлар, термалар, ўланларни бизнинг давримизгача етиб келиши учун хизмат қилган бахшиларнинг авлодига мансуб бўлган Қора бахши болалиқдан дўмбира чертиш, терма ва дostonлар айтишни ўз отаси Умир бахшидан ўрганган. Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида энг машҳур бўлган

дoston "Алпомиш" дostonидир. Бу дostonни билмаган бахши йўқ десак ҳам бўлаверарди. Тўй бўлди, албатта "Алпомиш" дostonидан ҳеч қурса бир парча айтиб бериларди.

Қора бахши "Алпомиш" туркумидаги дostonларни жуда яхши билади. Бундан ташқари "Гўрўғли" туркумидаги дostonлар, шунингдек қадимий анъанавий, мавсумий термаларни ҳам ижро этиб келган.

Ота мерос бўлиб қолган созни олиб куйлаганда, унинг ижодида ўзбек дostonчилигига хос туртсевазлик, мардлик, софлик хусусиятлари яққол кўзга ташланади.

Табаррук 75 ёшни қаршилаган Қора бахши Умиров ҳамон ижод қилиш билан банд. Йиллар мобайнида бахшилик сирларини отасидан мукамал ўрганиб, катта тажрибага эга бўлиб, мухлислар қалбидан жой олди.

1999 йилда "Алпомиш"нинг 1000 йиллигига бағишлаб ўтқа-

зилган халқаро кўрик танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, "Бойсун баҳори" фестивалларида ҳам фаол қатнашиб, ЮНЕСКОнинг дипломини қўлга киритган. Қора бахши Умировнинг асл касби ўқитувчилик бўлиб, бутун умрини ёш авлоднинг таълим - тарбиясига бағишлаб келган. 10 нафар фарзандни тарбия қилган. Бахшилик касби ота мерос бўлгани боис фарзандлари Расул ва Қаҳҳор бахши, неваралари Боймурод ва Элёр Қоравеларни Қора бахшининг давомчилари дейиш мумкин.

Қора бахшининг кўп йиллик бахшилик маҳорати ва тажрибасидан баҳраманд бўлган кўплаб шогирдлари бор. Шогирдларидан бири Илхом бахши Норов 2006 йилда бўлиб ўтган республика "Нихол" кўрик-танловига совриндор бўлганини алоҳида тақдирлаш мумкин. Қора бахшининг кўп йиллик ижодий меҳнати мустақиллик даврига келиб қадр топди: ўтган 2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонига сазовор бўлди.

Бу юксак унвон менда етмиш бешга кирган кекса бахшини бениҳоя руҳлантириб юборди. Ғайратимга ғайрат қўшиб, дейди Қора бахши Умиров. Шунча йил яшаб биз бахшиларга бундай даражадаги эътироф бўлса-да, кўпгина жойларда "матал" деб ҳам юритилади. Бухоро вилояти, шунингдек, бошқа воҳаларда "ушук", Хоразмда - "варсаки", Тошкент шаҳри ва унинг атрофида эса "чўпчак" атмаси қўланилади.

Психологларнинг таъкидлашича, бола тарбияси ва унинг фикр доираси кенгайиб бориши эртақ ва ривоятларнинг ўрни бекиёс. Тури халқлар ижодида ўхшаш сюжетли эр-

## КОМИЛЛИК САРИ

### Тарбия воситаси

мутахассислар эртақ эшитиб улғайган болада кўплаб ижобий хусусиятлар шаклланиши ҳақида ягона тўхтамаг келишган

Кумри НАЖИМОВА

Дарҳақиқат, бир қараганда жунгина бўлиб қўрилган ушбу сўзининг замирида чуқур маъно ётади. Ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилган, гоҳо фантастика ҳамда уйдирмаларга тўла эртакларда аллақандай куч, сеҳр борга ўхшайди. Ҳаммамиз ҳам болалигимизда эртақ эшитганимиз. Баъзи бир эртақ қаҳрамонларига тақлид қилганимиз ҳам рост. Кимдандир уларга нисбатан нафрат уйғонган бўлса, кимдир ибрат олган. Ўзидagi салбий сифатлардан халос бўлишга интиланган. "Эртақ" атмаси Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луготи турк" асарига "этуқ" шаклида учрайди ва бирор воқеани оғзаки ҳикоя қилиш маъносини билдиради. Замонавий фольклоршуносликда "эртақ" атмаси қабул қилинган бўлса-да, кўпгина жойларда "матал" деб ҳам юритилади. Бухоро вилояти, шунингдек, бошқа воҳаларда "ушук", Хоразмда - "варсаки", Тошкент шаҳри ва унинг атрофида эса "чўпчак" атмаси қўланилади.

Психологларнинг таъкидлашича, бола тарбияси ва унинг фикр доираси кенгайиб бориши эртақ ва ривоятларнинг ўрни бекиёс. Тури халқлар ижодида ўхшаш сюжетли эр-

таклар кўп учрайди. Бундай эртаклар фольклоршуносликда "сайёр мазмуни эртаклар" деб юритилади. Бирок, улар қанчалик ўхшаш бўлмасин, бадиий шакли, образлар талқини, тил воситалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Уларда ҳар бир халқнинг ўзига хос анъаналари, миллий колорити, фалсафий-эстетик қарашлари намоён бўлади. Бу эса бола билимини ошириш билан бир қаторда унинг дунёқарашини ҳам кенгайтиради.

Эртакларнинг таълим ҳамда тарбиявий аҳамияти жуда катта. Эртакларда воқеалар, асосан, мўъжизали тарзда ифодаланади. Бинобарин, мўъжиза ёки фантазия воқеа ва ҳодисаларни ҳаёт билан боғлаб, ҳақиқат, озодлик, тўғрилиқ, одавий шакли каби олийжаноб гоғларни илгари суриб, бола-ани ажойиботлар оламига олиб киради. Олимлар ёшлигида эртақ эшитиб катта бўлган бола билан эртақ эшитмай ўсган бола ўртасида катта фарқ борлигини аниқлашган. Эртақ эшитиб улғайган бола бошқаларга нисбатан муомалага тез киришувчан, фикрлар доираси кенг, иродаси қули ва шу билан бирга оқ кўнгил, соддадил ҳамда меҳнатсевар бўлиб улғайиши шубҳасиз.

## ЎТИТ

Мерган овда билинади, ботир — ёвда

Номуссиз хиёнатдан, номусли ўлим яхши

## БИЛАСИЗМИ?

Ботқоқликлар жойидан силжий олишига ишонмасиз, бироқ, ўтган аср бошида худди шундай ҳолат қайд этилган. Ирландиянинг Каст Лер шаҳри атрофида жойлашган каттагина ботқоқлик 1 сутка ичида 1000 километр йўл босган экан.


Узоқ йиллик тадқиқотлардан маълум бўлишича, жисмоний фаолият билан шуғулланмай қўйган инсонларда руҳий зўриқиш аломатлари зоҳир бўларкан.

## ТУРФА ОЛАМ

### Астрономлар экзосайёрага дуч келишди

Халқаро астрономлар гуруҳи коинотда экстремал об-хаво шароитига мослашган экзосайёра борлигини аниқлашди.

HD80606b дея ном олган ушбу сайёра оғирлиги 4 та Юпитер сайёрасига тенг бўлиб, эллиптик орбита бўйлаб 111 кунлик давр ораллигида айланар экан. Астрономларнинг аниқлашича, 111 кунлик йил давомида сайёрадаги ҳарорат Цельсий бўйича 527 даражадан 1227 даражага атиги 6 соатда кўтарилиб кетармиш. Қолаверса, компьютер модуляси чоғида олимптар сайёрадаги шамол тезлиги ана шу давр ораллигида секундида 4 километрга етишини ҳисоблаб чиқишган. Бирок, юлдузлардан узоқлашган шамол тезлиги ўз-ўзидан пайсаи, сайёра совий бошларкан. Ушбу антика иқлимга эга сайёрани осонликча кўриб бўлмайди. Уни астрономлар махсус инфрақизил нур остида кузатишга муваффақ бўлишган. Ҳозирда экзосайёра устидаги изланишлар давом этмоқда.



## ЯНГИЛИКЛАР

### Қалбимда Ватан мадҳи

Хусан БУРҲОНОВ,  
Мухтасархон КАРИМОВА

САМАРҚАНД. "Ўзбекинав" эстрада бирлашмасининг вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Наврўз умумхалқ байрами, шунингдек Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тантаналарига бағишлаб "Қалбимда Ватан мадҳи" номли эстрада хонандалари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда вилоятнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб деб топилган 16 ёшдан 40 ёшгача бўлган профессионал кўшиқчилар, хаваскор эстрада хонандалари, бастакор ва шоирлар ўз иқтидорларини намойиш этишди. Хонандалар Ватани ва борлиқни улғувчи кўшиқлари ни сахнада ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди. Голиблар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад юртимизда миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, қолаверса, миллий кўшиқлар орқали ёш авлод онгу-шурида она ватанга бўлган меҳрни янада оширишдан иборат.

### Спорт байрами

ТОШКЕНТ. Мирзо Улуғбек туманидаги Юзработ ва А.Югнакий болалар спорт мажмуасида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг дзюдо ва волейбол турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Бу каби мусобақалардан ягона мақсад оммавий спорт тадбирларига ёш ўғил-қизларни жалб қилиш, иқтидорлиларни аниқлаш, ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишдир.

Мусобақа якунига кўра, дзюдо бўйича умумжамоа ҳисобида 1-ўринни Юзработ БСМ, 2-ўринни 35-мактаб, 3-ўринни 207-мактаб терма жамоалари эгаллашди. Волейбол бўйича беллашувларда умумжамоа ҳисобида 1-ўрин 279-мактабга, 2-ўрин 225-мактабга, 3-ўрин 279-мактаб терма жамоаларига насиб этди.

Мусобақа иштирокчилари ва голиблари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан ажратилган эсдалик совгалари, фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.



### «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

- ҚР Нукус (3612) 22-88-68
- Андижон (3742) 22-29-89
- Бухоро (3652) 25-47-49
- Жиззах (3722) 22-40-01
- Қашқадарё (3752) 25-40-27
- Навоий (4362) 23-26-86
- Наманган (3692) 26-29-80

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгилинишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораган десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

- Самарқанд (3662) 34-22-53
- Сирдарё (3672) 25-47-70
- Сурхондарё (3762) 27-49-03
- Тошкент вил. (3712) 233-13-04
- Фарғона (3732) 24-29-22
- Хоразм (3622) 26-63-75
- Компания бўлими 234-85-99



МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»  
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:  
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Голиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Мухаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Фафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:  
Жалолиддин САҒОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарлиқни ўз бўйига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,  
Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-124, Адади — 5600

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:  
Ақбар ШОДИЕВ  
Навбатчи муҳаррир:  
Исмаил ХУДОЕВ  
Навбатчи:  
Гулбахор УМУРЗОКОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Корона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.40.